



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRINING
B U Y R U G‘ I**

2021 yil “30” 11

№ 271

Toshkent sh.

**Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан
қопланадиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари рўйхатини бекор
қилиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2021 йил 7 июнда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланадиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари рўйхати (кейинги ўринларда – Рўйхат) тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Рўйхатнинг қонунийлиги ўрганилганида, унда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи норматив-ҳуқуқий тусга эга бўлган нормалар мавжудлиги аниқланган. Натижада, Рўйхатни бекор қилиш ҳамда ижродан чақириб олиш юзасидан 2021 йил 11 ноябрда 6-15/4-5/5831-сонли тақдимнома киритилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Адлия вазирлиги тақдимномаси ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман**:

1. Адлия вазирлигининг давлат рўйхатидан ўтмаган норматив-ҳуқуқий тусга эга бўлган ҳужжатларни бекор қилиш ва ижродан чақириб олиш тўғрисида 2021 йил 11 ноябрдаги 6-15/4-5/5831-сонли тақдимномаси маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2021 йил 7 июнда тасдиқланган Рўйхат бекор қилинсин ва ижродан чақириб олинсин.

3. Тиббий суғурта тизимини жорий қилиш бошқармаси (Э.Боймиров) ДПЁТББ (У.Рискиев) ва Ихтисослашган марказлар фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси (Ж.Артиков) билан биргаликда ўн кун муддатда Рўйхатни тасдиқлаш юзасидан идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтказилишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ ижроси назорати вазирнинг биринчи ўринбосари А.Иноятов зиммасига юклансин.

Вазир



Б.Мусаев